

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**БИНО ВА ИНШООТЛАРНИНГ  
ТАШҚИ КҮРИНИШИНИ  
ЎЗГАРТИРИШНИ КЕЛИШИШ  
БҮЙИЧА ДАВЛАТ  
ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИШ  
БҮЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024

**Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш бўйича услугий қўлланма.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 16 б.

Мазкур услугий қўлланма бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш учун рухсатнома олиш учун ариза берувчилар бино ва иншоот ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтадиш каби муҳим масалаларни қамраб олади.

**Ушбу услугний қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

# **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	4
Қурилиш соҳасига оид қонунчиллик ҳужжатлари.....	5
Давлат хизмати курсатиш тартиби .....	8
Келишишни рад этиш учун асослар.....	10
Иловалар.....	13
Ижтимоий тармоқдаги фойдали ҳаволалар.....	16

## КИРИШ

Ўзбекистонда қурилиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим устувор тармоғи сифатида белгиланган бўлиб, сўнгги йилларда амалга оширилган жадал ислоҳотлар сабабли юқори ўсиш суръатларини намоён этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган сўнгги йиллардаги қабул қилинган Давлат дастурларида мамлакат иқтисодиётини янада жадал ривожлантиришда иқтисодиётнинг локомотиви сифатида қурилиш соҳасига, хусусан янги бино ва иншоотлар, янги ишлаб чиқариш обьектлари ҳамда хусусий тадбиркорлик, темир ва автомобиль йўллари, турар жой бинолари қурилишига алоҳида урғу берилган.

Мазкур қўлланма бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш бўйича асосий тушунчаларни, ҳуқуқий асосларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётни йўлга қўйишга қаратилган.

Унда бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш лойиҳаларини бошлаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган босқичлар, ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат хизматлари кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш каби масалалар қамраб олинади.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ходимлари ва фуқаролар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

# **ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасининг  
Шаҳарсозлик кодекси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“Ўзбекистон Республикасининг қурилиш  
соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир  
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги  
фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини  
тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари  
тўғрисида”ги фармони



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасига оид ягона  
маъмурий қурилиш регламентларини  
тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори



# **ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТУШУНЧАЛАР ВА АҲАМИЯТИ**

## **Шаҳарсозлик кодекси**

### **26-модда. Қурилишни назорат қилиш**

Қурилишни назорат қилиш шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан қурилишга тайёргарлик кўриш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш, обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш даврида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.



Шаҳарсозлик фаолияти обьектларини қуриш чоғида кўйидагиларнинг амалга оширилиши таъминланиши керак:

- қурилиш устидан давлат назорати;
- буюртмачининг техник назорати;
- ишлаб чиқувчининг муаллифлик назорати;
- пудратчининг ички назорати.



### **Қурилиш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш**

Қурилиш ишларини ташкил этиш пировард натижага эришиш учун зарур бўлган барча ташкилий-техник ва технологик ечимлар қўлланилган ҳолда шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилади.

*Қурилиш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, қурилишнинг барча босқичларида шаффофликни таъминлаш мақсадида:*



## Асосий тушунчалар

**бино** — функционал мақсадига қараб одамлар яшashi ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

**иншоот** — ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш, моддий қимматликларни жойлаштириш ва сақлаш, одамларнинг вақтинча бўлиши (ҳаракатланиши), шунингдек, ускуналар ёки коммуникацияларни жойлаштириш (ўтказиш, улаш) учун мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги қурилиш тизими;

**бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳаси** — бино ва иншоот фасадига киритиладиган ўзгартиришларнинг якуний натижаси тўғрисида тўлиқ тасаввур берувчи бино ва иншоот фасадининг рангли тасвирдаги архитектуравий чизмаси.

- Бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳаси **тегишли лицензияси бўлган** лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилади.
- Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиргандан сўнг объектни фойдаланишга қабул қилиш талаб этилмайди.
- Бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳасини **келишмасдан туриб** бино ва иншоот ташқи кўринишини ўзгартириш тақиқланади.
- Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш тартиботини амалга оширишда бино ва иншоот фасадининг эскиз ваколатли орган билан келишилади.

# ДАВЛАТ ХИЗМАТИ КҮРСАТИШ ТАРТИБИ

## Давлат хизмати кўрсатиш тартиби



Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли органлар ўртасидаги ахборот алмашув **электрон рақамли имзодан** фойдаланган ҳолда фақат электрон тарзда амалга оширилади.

- Ариза берувчилар бино ва иншоот ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш учун **Давлат хизматлари марказларига** ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси **Ягона интерактив давлат хизматлари порталида** давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади,
- бино ва иншоот ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш учун аризалар ЯИДХП **ҳар куни 24 соат давомида** юборилиши мумкин.
  
- Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, **Давлат хизматлари маркази** ходими ариза берувчи номидан сўровномани тўлдиради
- ЯИДХП** орқали мурожаат этган тақдирда эса ариза берувчи мустақил равишда давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровномани **электрон тарзда тўлдиради**
  - сўровномага бино ва иншоот фасадининг **эскиз лойиҳаси** электрон кўринишда **илова қилинади**,
  - ариза берувчилардан бандда **кўрсатилмаган** маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни **талаб қилиш тақиқланади**
- Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини **текширади**, имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан **тасдиқлайди**.
- Давлат хизматлари кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоизи** миқдорида йиғим ундирилади,

- давлат хизмати кўрсатилиши учун **ЯИДХП орқали** мурожаат этилганда кўрсатилган йиғим суммасининг **90 фоизи** ундирилади.
- давлат хизмати кўрсатиш учун йиғим тўланганлигини **тасдиқлаш электрон тарзда** амалга оширилади

 Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг **ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳукуқига эга**,

- ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг **сўровномаси кўрмасдан қолдирилади**. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилимайди.

 Ўзи келиб мурожаат этганда Давлат хизматлари марказлари сўровнома тўлдирилган вақтдан бошлаб **реал вақт режимида** уни ваколатли органга юборади,

- ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда сўровнома **автоматик тарзда** ваколатли органга юборилади.



 Ваколатли орган сўровнома тушган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида QR-код қўйилган бино ва иншоотнинг ташки кўринишини ўзгартириш келишилганлиги ҳақида **холоса беради** ёки рад этишнинг аниқ сабабларини ва қонунчилик ҳужжатлари нормаларини кўрсатган ҳолда келишишни **рад этади**,

- ваколатли орган томонидан рад этиш норматив-ҳукуқий ҳужжатнинг номи, қисми, банди, кичик банди ёки хатбошисига асосланган бўлиши **талаб этилади**,
- бино ва иншоот **ўзбошимчалик билан қурилганини** аниқлаш мақсадида, текширувдан ўтказиш ҳамда ариза берувчи сўровномасида, деворлари режаси, кесими, фасад ва кадастр паспорти нусхасида берилган маълумотларни **ҳақиқий ҳолати билан таққослаш** амалга оширилади,
- ваколатли орган жойига бориб бино ва иншоотни ўрганиб чиқиши ва **визуал қўриқдан** ўтказишдан иборат бўлади,
- бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳасини ваколатли органнинг **ЭРИ билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади**.

# КЕЛИШИШНИ РАД ЭТИШ УЧУН АСОСЛАР

**Қуийдагилар бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришини келишишини рад этиши учун асос бўлади:**

- сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши;
- давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик;
- лойиҳада бино ва иншоотнинг ҳажми ва майдони ўзгарганлиги;
- бино ва иншоотнинг авария ҳолатида эканлиги;
- бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги;
- лойиҳа тегишли лицензияси бўлган лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилмаганлиги;
- бинолар ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги, зилзилабардошлилигига таъсир қилувчи юк кўтарувчи қисмларининг ўзгариши назарда тутилганлиги;
- бино ва иншоот фасади эскиз лойиҳасининг қонунчилик талабларига мос келмаслиги;
- ваколатли органга ариза берувчи томонидан обьектни ўрганиш учун имконият яратилмаганлиги;
- тақиқда турган обьектлар;
- бино ва иншоотларни улушдорларидан бирининг розилиги бўлмаса;
- ушбу ер участкаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги.

**Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этиши тақиқланади.**

## АРИЗА БЕРУВЧИ РАД ЭТИЛГАН КУНДАН БОШЛАБ

### 10 иш куни мобайнида

йиғим туламасдан күрсатилған  
камчиликни бартараф этган  
холда такроран мурожаат  
қилиш ҳуқуқига эга

такроран сўровнома  
тушган кундан бошлаб  
**3 иш кунидан** ортиқ бўлмаган  
муддатда амалга оширилади

такроран кўриб чиқишида  
ваколатли орган томонидан  
аввалги рад этиш асосларида  
**баён этилмаган сабабларнинг**  
**келтирилишига** йўл қўйилмайди

ваколатли орган ўзгартиришни  
келишган куннинг ўзида  
**QR-код қўйилган хulosани**  
Давлат хизматлари марказига  
ёки ЯИДХП орқали юборади

Давлат хизматлари маркази хulosса  
олинганидан сўнг ариза берувчининг  
**электрон почтасига юборади**

Давлат хизматлари маркази ходими  
ариза берувчи ўзи келиб мурожаат  
қилган тақдирда, унга хulosани  
электрон шаклда, **қоғоз шаклида**  
тақдим этади

## МАЪЛУМОТ УЧУН



- *Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган ариза берувчи ҳақидаги маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаши керак.*



- *Хулоса бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳаси келишилган куннинг ўзида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида автоматик равишда ҳисобга олиб борилади.*



- *Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан ЯИДХП орқали, доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадилар.*



- *Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.*

## Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг «Кадастр ва рўйхатдан ўtkазиш интеграциялашган ахборот тизими» билан интеграция қилинишини таъминласин

# ИЛОВАЛАР

1-илова

Босқичлар

Субъектлар

Амалга ошириладиган  
тадбирлар

Бажариш  
муддатлари

1-босқич

Ариза берувчи

- Давлат хизматлари марказига ўзи келиб ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилиш.
- Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўлаш.

Ўз хоҳишига

2-босқич

Давлат хизматлари

маркази ЯИДХП

Сўровномани ваколатли

органга юбориш.

Автоматик

равища

3-босқич

Ваколатли орган

- Жойига бориб бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартирисх имкониятини ўрганиб чиқиш.
- Хulosани ЭРИ билан тасдиқлаш
- Ариза берувчига QR-кодли хulosани юбориш.

5 иш куни

4-босқич

Давлат

хизматлари

маркази

Ариза берувчининг электрон

манзилига хulosани жўнатиш,

ариза берувчини бу ҳақида

Реал

электрон тарзда хабардор

вақт режимида

қилиш ва хulosани бериш.

2-илова

---

(сана)

---

(рақам)

Бино ва инишоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришини келишиш  
бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун

## **СЎРОВНОМА**

### **I. Ариза берувчи — жисмоний шахс тўғрисида маълумот:**

1. ЖШШИР	
2. Ф.И.О.	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

### **II. Ариза берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:**

1. Тўлиқ номи	
2. СТИР	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

### **III. Бино ва инишоот тўғрисида маълумот:**

1. Бино ва инишоотнинг кадастр рақами	
2. Бино ва инишоотнинг манзили	

### **IV. Сўровномага илова:**

Бино ва инишоот фасадининг эскиз лойиҳаси	
---	--



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

(туман (шахар) қурилиш бўлимлари)

Хужжат тузилган сана:

Ариза берувчининг номи ёки Ф.И.О.

### Бино ва инишоот фасадининг эскиз лойиҳаси келишилганлиги ҳақида

#### ХУЛОСА

20\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_ -сон

1. Аризанинг рақами	
2. Лойиҳа ташкilotининг номи	
3. Объект манзили	
4. Объект номи	
5. Кадастр рақами	

Лойиҳани кўриб чиқиши бўйича хулоса: **келишилди, келишилмади**

(танланади)

Хужжатни имзолаган шахс \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

Бино ва инишоот фасадининг эскиз лойиҳаси

**Изоҳ:** ушбу хулоса бино ва инишоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни бошлишга асос бўлади

Хужжатнинг  
ҳақиқийлигини  
тасдиқловчи  
QR-код

# ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ФОЙДАЛИ ҲАВОЛАЛАР



Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой  
коммунал хўжалиги вазирлиги  
расмий веб-сайти



my.gov.uz веб-сайти



«Тараққиёт стратегияси»  
маркази



Хуқуқий ҳужжатларни  
тайёрлаш тизими